



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QISHLOQ XO'JALIGI VAZIRLIGI
HUZURIDAGI AGROSANOAT MAJMUI USTIDAN NAZORAT
QILISH INSPEKSIYASI BOSHLIG'INING
BUYRUG'I**

2023-yil «27» aprel

S-4-23

O'zbekiston Respublikasi Qishloq xo'jaligi vazirligi huzuridagi Agrosanoat majmui ustidan nazorat qilish inspeksiyasi nazorati ostidagi obyektlarida Inspeksiya vakolatiga taalluqli ishlarga, hususan qishloq va suv xo'jaligi sohasiga oid qonunbuzilish xavfini tahlil etish tizimini joriy etish tartibi to'g'risidagi Nizomni tasdiqlash haqida

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi "Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida davlat nazoratini tashkil etish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi 611-sonli qaroriga muvofiq

B U Y U R A M A N

1. Qishloq xo'jaligi vazirligi huzuridagi Agrosanoat majmui ustidan nazorat qilish inspeksiyasi nazorati ostidagi obyektlarida Inspeksiya vakolatiga taalluqli ishlarga, hususan qishloq va suv xo'jaligi sohasiga oid qonunbuzilish xavfini tahlil etish tizimini joriy etish tartibi to'g'risidagi Nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Matbuot kotibi (Shadiyeva) Axborot tahlil, ijro intizomi va ma'muriy amaliyot boshqarmasi (Yuldashev) va hududiy boshqarmalar bilan birgalikda mazkur Nizomning mazmun-mohiyatini Inspeksiya barcha xodimlariga hamda keng jamoatchilikka yetkazilishini ta'minlasin.

3. "O'zagroinspeksiya" boshlig'ining 2020-yil 24-yanvardagi S2-sonli buyrug'i o'z kuchini yo'qotgan deb hisoblansin.

4. Mazkur buyruq ijrosi ustidan nazorat Inspeksiya boshlig'ining birinchi o'rribosari (Rasulov) zimmasiga yuklansin.

Boshliq
Toshkent sh.

A.Vaxabov

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги
Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш
инспекцияси бошлигининг
2023 йил “27 ”апрель даги
8-4-23-сонли буйругига
ИЛОВА

Қишлоқ хўжлиги вазирлиги хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси назорати остидаги объектларида Инспекция ваколатига тааллуқли ишларга, хусусан қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасига оид қонунбузилиш хавфини таҳлил этиш тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 октябрдаги 611-сонли “Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида давлат назоратини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Қишлоқ хўжалиги Вазирлиги хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (бундан буён матнда – “Ўзагроинспекция” деб юритилади) назорати остидаги объектларида Инспекция ваколатига тааллуқли ишларга, хусусан қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасига оид қонунбузилиш хавфини таҳлил этиш тизимини жорий этиш тартибини белгилайди.

1 боб. Умумий қондалар

1. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
ваколатли орган — Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг хуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил;

Давлат назорати тизими — тадбиркорлик соҳасида давлат назорати билан боғлиқ катта ҳажмдаги маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш имконини берувчи «Ягона давлат назорати» ахборот тизими;

назорат қилувчи орган — тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонунчилик билан ваколат берилган вазирлик, идора, уларнинг тизимидағи бўлинмалар ва бошқа ташкилотлар;

назорат қилувчи орган мансабдор шахси — вактинча ёки маҳсус ваколат бўйича тадбиркорлик субъекти фаолиятини назорат қилувчи, тадбиркорлик субъектида юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этувчи ҳамда маъмурий ёки суд органларида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс;

тадбиркорлик субъекти — белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар;

текширув — тадбиркорлик субъекти томонидан фаолиятни тартиба солувчи қонунчиликка қай даражада риоя этилаётганлигини керакли

материаллар, ҳужжатлар ёки уларнинг фаолиятига доир маълумотларни олиш ҳамда муайян ҳаракатларни амалга ошириш орқали ўтказиладиган назорат қилиш тадбири;

«хавфни таҳлил этиш» тизими — назорат қилувчи органлар томонидан тегишли назорат соҳаси бўйича аниқ мезонларга асосланиб, тадбиркорлик субъекти томонидан ўз фаолиятида қонунчилик бузилиш хавфи даражасини аниқлаш механизми.

2. Ишлаб чиқилган «хавфни таҳлил этиш» тизими асосида аниқланган ҳуқуқбузарлик хавфи қай даражада бўлишидан қатъи назар, тадбиркорлик субъектига нисбатан таъсир чораларини қўллашга асос бўла олмайди.

3. Хавф даражаси таҳлили жараёнида тадбиркорлик субъектидан ҳужжатлар ва ахборотлар талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

4. Хавф даражаси таҳлили “Ўзагроинспекция”нинг назорат ваколати доирасида фаолият кўрсатувчи камида 10 та тадбиркорлик субъектида ўтказилади.

5. Хавф даражаси таҳлили Инспекция томонидан бир йилда камида бир маротаба амалга оширилади.

6. “Ўзагроинспекция”нинг назорат ваколатига кирмайдиган тадбиркорлик субъекти фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш тақиқланади.

7. «Хавфни таҳлил этиш» тизими, ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи даражасидан қатъи назар, тадбиркорлик субъекти фаолиятида ўтказиладиган барча текширувларни «Ягона давлат назорати» ахборот тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли орган билан келишилган ёки хабардор этган ҳолда ўтказилишини назарда тутиши лозим.

8. “Ўзагроинспекция” тизимида мавжуд ички ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари ҳақидаги мурожаатлари шу жумладан оммавий ахборот воситаларидан ёки бошқа ташқи манбалардан (ижтимоий тармоқлар, веб-сайтлар) олинган ахборотлар, маъмурий маълумотлар (лицензия, рухсат этувчи ва давлат органларида мавжуд бошқа ҳужжатлар), даврий статистика маълумотлари, жумладан, аввал ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланган тадбиркорлик субъектини умумлаштирувчи белгилар, хабарлар ва бошқа корреляцион таҳлил натижалари, юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган мурожаатлар, назорат хариди натижалари асосида аниқланган камчиликларнинг таҳлили, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалардан ва тадбиркорлик субъектининг одатий фаолиятига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатмаган ҳолда, давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан олиниши мумкин бўлган бошқа маълумотларга асосан тадбиркорлик субъектининг конунбузилиш ҳолатлари таҳлил қилинади.

Бунда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг аноним эмаслиги ҳамда текширув ўтказилиши режалаштирилаётган тадбиркорлик субъектининг амалда фаолият кўрсатаётганлиги, “Ўзагроинспекция” ходимлари томонидан дастлаб ўрганиб чиқилиши лозим.

9. Хавф даражасини баҳолаш ўрганиладиган маълумотлар асосида шакллантирилган кўрсаткичлар ва мезонларга тадбиркорлик субъекти фаолиятининг мувофиқлигини «балл» тизими асосида (1-иловага мувофиқ) баҳолаш орқали амалга оширилади.

2-боб. Тадбиркорлик субъекти фаолиятида ҳуқуқбузарлик аломатлари ҳақида хабар берувчи баҳолаш мезонлари

10.Ҳар бир асосий кўрсаткичнинг баҳоси ушбу кўрсаткич остидаги субкўрсаткичлар баҳосининг йигиндисидан келиб чиқади.

11.Ҳар бир асосий кўрсаткичларнинг баҳоси ушбу кўрсаткичларнинг муҳимлик даражасидан келиб чиқсан ҳолда бир-биридан фарқ қилиши мумкин.

12.Асосий кўрсаткичлар баллари йигиндиси ва суб-кўрсаткичлар баллари 3-иловага мувофиқ шакллантирилади.

3-боб. Хавф даражалари таснифи

13.Амалга оширилган баҳолаш натижасида аниқланган хавф даражасининг умумий баллари асосида тадбиркорлик субъекти томонидан ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи қуидаги уч хил тоифага таснифланади:

хавфи юқори — баҳолангандар барча тадбиркорлик субъекти баллари умумий йигиндисининг 20 фоиз қисмини ташкил этувчи энг юқори хавф даражаси балларига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари;

хавфи ўртача — баҳолангандар барча тадбиркорлик субъекти баллари умумий йигиндисининг хавфи юқори бўлган 20 фоиз қисмини истисно этган ҳолда, 50 фоиз қисмини ташкил этувчи энг юқори хавф даражаси балларига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари;

хавфи паст — баҳолангандар тадбиркорлик субъектининг хавф даражаси баллари паст бўлган қолган тадбиркорлик субъектлари.

4-боб. Таснифланган хавф даражалари доирасида амалга ошириладиган тадбирлар

14.Баҳолаш натижаларига мувофиқ ҳуқуқбузарлик хавфи юқори ва ўрта таснифидаги тадбиркорлик субъектида қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган профилактика тадбирлари ўтказилади.

15.Текширув ўтказишга ташабbus билан чиқиш фақат ҳуқуқбузарлик хавфи юқори таснифидаги тадбиркорлик субъекти доирасида профилактика тадбирлари ўтказилгандан сўнг ҳам ҳуқуқбузарлик содир этиш аломатлари ижобий томонга ўзгармаган ҳолатлардагина амалга оширилади.

16.Ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи юқори таснифидаги тадбиркорлик субъектида профилактика тадбирларини ўтказмасдан ва уларнинг натижасини кутмасдан қуидаги ҳолатлар доирасида тадбиркорлик субъектида текширув ўтказиш ташабbusи билан чиқиш мумкин:

инсон ҳаёти ва соғлиғига заарар етказилишининг юқори хавфи мавжуд бўлган;

жамоат хавфсизлигига заарар етказиш хавфининг олдини олиш учун кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар;

атроф муҳитга жиддий заарар етказиши мумкин бўлган ҳолатлар аниқланганда;

жисмоний ва юридик шахслар, давлат органлари ва бошқа ташкилотларга моддий заарар етказилаётганлиги ҳолатлари аниқланганда;

текширувлар ўтказилишини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириклари мавжуд бўлганда;

17.Хукуқбузарлик содир этиш хавфи ўртача таснифидаги тадбиркорлик субъектида қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўймасликка қаратилган профилактика тадбирлари ўтказилади ва тегишли чора-тадбирлар белгилаб берилади. Кейинги давр учун баҳолаш натижаларига кўра, тадбиркорлик субъекти фаолиятини баҳолаш натижасида салбий ўзгариш кузатилганда, тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш бўйича ташабbusi билан чиқиш мумкин.

18.Хукуқбузарлик содир этиш хавфи паст таснифидаги тадбиркорлик субъекти фаолиятига ҳар қандай аралашувларга йўл қўйилмайди.

19.Тадбиркорлик субъектида текшириш ўтказилгандан кейин ушбу тадбиркорлик субъектининг хавфни таҳлил қилиш тизимиға асосан баҳоланган баллар йифиндиси янгиланади. Қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўймасликка қаратилган профилактика тадбирлари ўтказилгандан сўнг хукуқбузарлик содир этиш аломатлари бартараф этилиб, бу ҳақида назорат қилувчи орган хабардор қилинганда, ушбу тадбиркорлик субъектининг камчилик бартараф қилинган қисми бўйича баллари янгиланади.

5-боб. Якуний қоидалар

20. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбордor бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

21. Мазкур Низомнинг З-иловаси “Ўзагроинспекция” ташабbusi билан ваколатли органлар билан келишилган ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади (Низомни қайта ишлаб чиқиш талаб қилинмайди).

22. «Ягона давлат назорати» ахборот тизимиға юкланадиган ҳар бир тадбиркорлик субъекти кесимида аниқланган хавф даражаларини аниқ кўрсатган ҳолда (2-иловага мувофиқ) маълумотнома тузилади.

23. “Ўзагроинспекция” ваколатига тааллуқли ишларга, хусусан қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасига оид хукуқбузарлик содир этиш хавфни таҳлил этиш натижаларидан норози бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда юқори турувчи органга ёки судга шикоят килишга ҳақли.

24. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат Палатаси билан келишилган.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти хузуридаги
Тадбиркорлик
субъектларининг
хуқуқлари ва қонуний
манфаатларини ҳимоя
қилиш бўйича вакил**

“ ” 2023йил



Д.Касимов

**Ўзбекистон Республикаси
Савдо-саноат Палатаси
раиси**

“ ” 2023 йил



Д.Вахабов

Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилишига оид ҳукуқбузарлик содир этиш хавфи мавжуд бўлган тадбиркорлик субъектлари рўйхатини шакллантириш Жадвали*

1-ИЛОВА

Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилишига оид ҳукуқбузарлик содир этиш хавфи мавжуд бўлган тадбиркорлик субъектлари рўйхатини шакллантириш Жадвали*

№	Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши юзасидан тахлил ўтказиладиган тадбиркорлик субъектининг номи	Тадбиркорлик субъекти фаолиятида ҳукуқбузарлик аломатлари ҳақида хабар берувчи баҳолаш мезонлари асосий кўрсаткичлари**						Тахлил натижаси бўйича жами баллар йиғиндиси
		Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг этишиги оид конун хужжатлари бўйича (балл)	Пахта хом ашёси, дон уруғлар ва уни кайта ишлашдан олинган махсулотлардан фойдаланишига оид конун хужжатлари бўйича (балл)	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган сув ресурсларидан фойдаланишига оид конун хужжатлари бўйича (балл)	Қишлоқ хўжалигига агротехник тадбирлар ўтказилишига оид конун хужжатлари бўйича (балл)	Техника ҳолатини назорат килишга оид конун хужжатлари бўйича (балл)	Чорвачиликда наслчиликка оид конун хужжатлари бўйича (балл)	
I	II	III	IV	V	VI			
1	2	3	4	5	6	7	8	
1								
2								

Тузилма номи ва лавозими

Ф.И.О

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси назорати остидаги объектларида Инспекция ваколатига тааллуқли ишларга, хусусан қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасига оид ўтказилган текширишлар вақтида текширилаётган субъектларда хавфини таҳлил этиш тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги Низомга 2-ИЛОВА

“Ўзагроинспекция” ваколатига тааллуқли ишларга, хусусан, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасига оид қонунбузилиш хавфини таҳлил этиш тизимиға киритилган тадбиркорлик субъектлари хавф даражалари тўғрисидаги

МАЪЛУМОТНОМА

“Ўзагроинспекция” ходими (*Ф.И.О.*) томонидан “Инспекция назорати остидаги объектларда қишлоқ ва сув хўжалигига оид қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари ҳамда Ҳукумат қарорларида белгиланган талаблар ва қоидаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишига оид қонунбузилиш хавфини таҳлил этиш тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида”ги низомга асосан (*тадбиркорлик субъекти номи СТИР рақами*) тадбиркорлик субъектида қонунбузилиш хавфи таҳлили ўтказилди.

Мазкур Низомга мувофиқ тадбиркорлик субъекти фаолиятида хуқуқбузарлик аломатлари ҳақида хабар берувчи баҳолаш мезонлари бўйича ўтказилган таҳлил натижасига кўра тадбиркорлик субъекти (*тўпланган балл қўрсатилади*) баллик қўрсаткичига эга бўлди.

Ўтказилган таҳлил натижасида Низомнинг (*Низомнинг қайси бандлари бузилганлиги қўрсатилади*) бандлари бузилганлиги ва (*талаблари бузилган норматив ҳужжатлар қўрсатилади*) норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилинмаганлиги аниқланди.

Баҳолаш натижаларига мувофиқ хуқуқбузарлик хавфи юқори таснифидаги тадбиркорлик субъектида қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган профилактика тадбирлари ўтказилди.

(*тадбиркорлик субъекти номи СТИР рақами*)да профилактика тадбирлари ўтказилгандан сўнг ҳам хуқуқбузарлик содир этиш аломатлари ижобий томонга ўзгармаганлигини инобатга олган ҳолда мазкур тадбиркорлик субъектида текшириш ўтказилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Малумот учун:

Мазкур Низомнинг 16-бандида келтирилган ҳолатлар мавжуд бўлганда юқоридаги банд қўйидаги таҳрирда киритилади.

“(тадбиркорлик субъекти номи СТИР рақами)да Мазкур Низомнинг 16-бандида келтирилган ҳолатлар (ҳолат номи ва қисқача таснифи келтирилади) мавжуд бўлганлиги сабабли профилактика тадбирлари ўтказмасдан ва уларнинг натижасини кутмасдан мазкур тадбиркорлик субъектида текшириши ўтказилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.”

Таҳлил ўтказган ҳодим
(Лавозими)

имзо

Ф.И.О.

санас

Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилишига оид қонунбузилиш хавфини таҳлил этиш тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги Низомга
3-ИЛОВА

Баҳолаш жараёнида тадбиркорлик субъекти фаолиятида ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўладиган кўрсаткичлар ва суб-кўрсаткичлар

T/р	Кўрсаткичлар ва суб-кўрсаткичлар	Балл
1	Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини жойлаштириш, уруғчилик хўжаликларини аниқлаш, навларининг генетик соғлиги, уруғликларни етиштириш, қабул қилиш, саклаш, қайта ишлаш, реализацияси ва улардан фойдаланиш ҳамда аккредитация соҳасига мувофиқ уруғлар ва кўчат материалларини сертификатлаштириш оид қонун хужжатлари бўйича.	200
1.1	“Уруғчилик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари талаблари бузилиши	20
1.2	Вазирлар Маҳкамасининг 13.10.2021 йилдаги 641-сонли қарор билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилигига оид айrim норматив-хуқуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги низомлар талаблари бузилиши.	20
1.3	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.04.2018 йилдаги ПҚ-3683-сонли “Ўзбекистон республикасида уруғчилик тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор талаблари бузилиши.	20
1.4	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПҚ-106-сонли “Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилигини янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор талаблари бузилиши.	20
1.5	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.05.2020 йилдаги “Республикада картошка етиштиришни кенгайтириш ва уруғчилигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4704-сонли қарор талаблари бузилиши.	20
1.6	Вазирлар Маҳкамасининг 18.12.2019 йилдаги 1012-сонли қарор билан тасдиқланган “Иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боф ва токзорларни яроқсиз деб топиш тартиби тўғрисида”ги низом талаблари бузилиши.	20
1.7	Вазирлар Маҳкамасининг 11.06.2022 йилдаги 327-сонли қарор билан тасдиқланган “Узумчилик, боғдорчилик, иссиқхона хўжаликларини юритувчи ва виночилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи субъектларни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги низомлар талаблари бузилиши.	20
1.8	Вазирлар Маҳкамасининг 14.05.2020 йилдаги 282-сонли “Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази фаолиятини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги ўсимлеклари турларининг Миллий генбанкини яратиш тўғрисида”ги қарор талаблари бузилиши.	20
1.9	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.02.2021 йилдаги ПҚ-4973 сонли “Шоли етиштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор талаблари бузилиши.	20
1.10	Қишлоқ хўжалик экинлари уруғлари. Навдорлик ва экиш сифатлари Техникавий шартлар O'z DSt 2823, Уруғлик чигит техник шартлари O'z DSt 663, Саженцы семечковых и косточковый плодных культур общие технические условия O'z DSt 1192, Картофель семенной, Картофель семенной технические условия и методы определения качества ГОСТ 33996, Қишлоқ хўжалик экинларнинг мажбурий талабларининг бузилиш.	20
2	Пахта хом ашёси, дон уруғлар ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлардан фойдаланишга оид қонун хужжатлари бўйича.	100

2.1.	Вазирлар Маҳкамасининг 25.05.2006 йилдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган “Дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари ҳисобини юритиш тизимини такомиллаштиришга, уларнинг сақланиши устидан назоратни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Низом талаблари бузилиши	10
2.2.	Вазирлар Маҳкамасининг 31.03.2016 йилдаги 99-сонли “Дон хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида” қарори талаблари бузилиши	10
2.3.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.12.2017 йилдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5285-сон Фармони талаблари бузилиши	10
2.4.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.01.2018 йилдаги “Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3479-сон қарори 2-банди (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.10.2020 йилдаги ПФ-6094-сон Фармони билан янги таҳрирда баён этилган)	10
2.5.	Вазирлар Маҳкамасининг 12.07.2019 йилдаги 575-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини тартибга солувчи норматив-хукукий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” Низом талаблари бузилиши	10
2.6.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4453-сон Қарори 6-банди тўртинчи хатбоиси	10
2.7.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартағи ПҚ-4634-сонли “Ғалла етиштириш ва сотища эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларини жорий этиш тўғрисида” қарори талаблари бузилиши	10
2.8.	“Метрология тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хақидаги 07.04.2020 йилдаги ЎРҚ-641-сон Қонуни талаблари бузилиши	5
2.9.	Вазирлар Маҳкамасининг 20.05.2020 йилдаги 312-сон қарори билан тасдиқланган “Ғалла етиштирувчи хўжаликлар ва корхоналардан сотиб олинадиган донни саклаш соҳасидаги айrim норматив-хукукий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” Низом талаблари бузилиши	5
2.10.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.06.2021 йилдаги “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ПФ-6240-сон Фармони талаблари бузилиши	10
2.11.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.11.2021 йилдаги ПҚ-10-сонли “Ғалла етиштириш ва сотища эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларини жорий этиш тўғрисида” қарори талаблари бузилиши	10
3	Кишлоқ хўжалигига мўлжалланган сув ресурсларидан фойдаланишига оид қонун хужжатлари бўйича.	100
3.1.	Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонун хужжатлари талаблари бузилиши	20
3.2.	Вазирлар Маҳкамасининг 19.03.2013 йилдаги 82-сонли қарор билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисида”ги низом талаблари бузилиши	20
3.3.	Вазирлар Маҳкамасининг 3.04.2021 йилдаги 174-сонли қарор билан тасдиқланган “Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг хисоби ва хисоботини ҳамда мониторингини юритиш тартиби тўғрисида”ги низом талаблари бузилиши	20
3.4.	Вазирлар Маҳкамасининг 23.02.2021 йилдаги 95-сонли “Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган сугориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларининг бир кисмини қоплаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори талаблари бузилиши	10

3.5.	Вазирлар Маҳкамасининг 31.03.2018 йилдаги 255-сонли “Табиатдан фойдаланиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айrim маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори талаблари бузилиши	10
3.6.	Вазирлар Маҳкамасининг 11.12.2019 йилдаги 981-сонли қарор билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш тартиби тўғрисида”ги низом талаблари бузилиши	10
3.7.	Вазирлар Маҳкамасининг 8.04.2021 йилдаги 190-сонли “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг шўрини ювиш ишларини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори талаблари бузилиши	10
4	Қишлоқ хўжалигига агротехник тадбирлар ўтказилишига оид қонун хужжатлари бўйича.	70
4.1	Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонун хужжатлари талаблари бузилиши	15
4.2	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.11.2021 йилдаги “Галла етиштириш ва сотишда эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамоилларини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-10-сонли қарори талабларини бузулиши	15
4.3	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилигини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 106-сонли Қарорининг 6-банди билан тасдиқланган “Республикада 2022-2025 йилларда янги навлар майдонларини кенгайтириш ҳисобига пахта ҳосилдорлигини 50 центнерга, бошоқли дон экинлари ҳосилдорлигини 90 центнерга етказиш бўйича чора-тадбирлар дастури”нинг талабларини бузилиши	15
4.4	Вазирлар Маҳкамасининг 12.07.2019 йилги 575-сон “Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини тартибга солувчи норматив-хукукий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори талаблари бузилиши	10
4.5	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.08.2020 йилдаги 505-сонли қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалик экинларини оқилона жойлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом”и талаблари бузилиши	15
5	Техника ҳолатини назорат қилишга оид қонун хужжатлари бўйича.	100
5.1	Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуни талаблари бузилиши	10
5.2	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.06.2020 йилдаги ПҚ-4760-сон “Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини синаш ва сертификатлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори талабларининг бузилиши	10
5.3	Вазирлар Маҳкамасининг 12.07.2019 йилги 575-сон “Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини тартибга солувчи норматив-хукукий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори талаблари бузилиши	10
5.4	Вазирлар Маҳкамасининг 17.04.2019 йилдаги 325-сон “Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларидан фойдаланишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори талаблари бузилиши	50
5.5	Вазирлар Маҳкамасининг 18.03.2016 йилдаги 80-сон “Қишлоқ хўжалиги техникалари конструкциясининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент”и тўғрисидаги қарори талаблари бузилиши	10
5.6	Адлия вазирлигига 29.08.2004 йилда 1401-ракам билан рўйхатга олинган “Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисида”ги низом талаблари бузилиши	5
5.7	ГОСТ-7751-2009 давлатлараро “Қишлоқ хўжалигига фойдаланилайдиган техникаларни саклаш Қоидаси” талаблари бузилиши	5

6	Чорвачиликда наслчилликка оид қонун хужжатлари бүйича.	100
6.1	Наслчиллик түгрисидаги қонун хужжатлари талаблари бузилиши	60
6.2	Вазирлар Маҳкамасининг 08.09.2014 йилдаги 252-сонли қарори билан тасдиқланган “Наслли маҳсулотни (материални) экспорт ва импорт қилиш тартиби түгрисида”ги низом талаблари бузилиши	11
6.3	Вазирлар Маҳкамасининг 22.09.2017 йилдаги 748-сонли қарори билан тасдиқланган “Ҳайвонларни идентификация қилиш, уларни ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва сақлаш тартиби түгрисида”ги низом талаблари бузилиши	6
6.4	Вазирлар Маҳкамасининг 19.02.2020 йилдаги 100-сонли қарори билан тасдиқланган “Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш тартиби түгрисида”ги низом талаблари бузилиши	6
6.5	Вазирлар Маҳкамасининг 12.05.2020 йилдаги 280-сонли қарори билан тасдиқланган “2020-2022 йилларда хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамол, кўй ва эчкиларни сотиб олган хўжаликларга ҳамда республикада наслдор корамолларни етиштирадиган наслчилик хўжаликларига субсидия бериш тартиби түгрисида”ги низом талаблари бузилиши	5
6.6	Вазирлар Маҳкамасининг 12.07.2021 йилдаги 434-сонли қарори билан тасдиқланган “Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларига улар томонидан етиштирилган ва сотилган маҳсулотлар учун субсидия ажратиш тартиби түгрисида”ги низом талаблари бузилиши	5
6.7	Вазирлар Маҳкамасининг 15.03.2021 йилдаги 135-сонли “Ички истеъмол бозорини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар түгрисида” қарори талаблари бузилиши	7